Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 7-may № 58 (2939) shanba

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ўзбек ва туркман халқларининг азалий тарихи, маданияти, маънавияти, тақдири, айтиш мумкинки, юраги абадул-абад туташиб, бирлашиб кетган.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ташриф самарали бўлди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 6 май куни Бухоро шаҳрига ташриф буюрдилар.

Бухоро Ўзбекистоннинг асрлар давомида жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келган, ҳақли равишда шарифлик мақомига сазовор бўлган муқаддас шаҳарларидандир. Бухорои шариф буюк алломалари, қад ростлаган бетакрор тарихий обидалари билан халқимизни, мамлакатимизни бутун дунёга танитган.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Бухоронинг шарифлик мақомига кўтарилишига улкан ҳисса қўшган буюк алломалардан бири Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуини зиёрат қилдилар.

Эски тузум даврида бу муқаддас маскан хароба ҳолга келиб қолган эди. Истиқлол йилларида миллий маданий ва маънавий қадриятларни, тарихий обидаларни тиклаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 1993 йилдаёқ Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги муносабати билан мазкур зиёратгоҳ қайта таъмирланди. Мажмуадаги дахмалар, мақбаралар, масжидлар, айвонлар ва мадрасанинг ҳақиқий қиёфаси тикланиб, қутлуғ қадамжога айлантирилди.

Таомилга биноан бу ерда Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳи поки ҳақига тиловат қилинди.

Президентлар Сомонийлар мақбарасини зиёрат қилдилар. Бу ёдгорлик ўз меъморий ечимига кўра мутлақо бетакрор обидадир. Нафис меъморлик санъатининг юксак намунаси бўлган бу иншоот ўта аниқ симметрик ўлчамлар, ғоят мураккаб геометрик ҳисоб-китоблар асосида бунёд этилган.

Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарлари Пойи Калон мажмуида бўлдилар. Масжиди Калон, Минораи Калон ва Мир Араб мадрасасидан иборат бу ансамбл Туркманистон раҳбарида катта таассурот қолдирди.

Лаби Ҳовуз мажмуасида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов дастлаб Нодир Девонбеги мадрасасига кирдилар. Бу ерда миллий ҳунармандларимиз томонидан тикилган дўппи ва зарчопонлар, зардўзларнинг гилам ва каштолари, сопол ва темирдан ясалган нафис буюмлар, миллий миниатюра услубидаги расмлар, жарангдор чолғу асбоблари ва бошқа маҳсулотлар кўздан кечирилди. Ҳунармандлар билан самимий суҳбатда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, айниқса, миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётгани таъкидланди.

Туркманистон раҳбари Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин кўҳна Бухоронинг тарихий обидалари тикланиши баробарида шаҳар замонавий қиёфа ҳам касб этаётганини, бу ерда сайёҳлик жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон-Туркманистон олий даражадаги учрашувларининг яна бир гўзал анъанаси бор. 2010 йилда Президент Ислом Каримовнинг Туркманистонга сафари асносида мамлакатимиз раҳбарига зотдор от совға қилинган эди. Мамлакатимиз раҳбари Туркманистон Президентига Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида ўзлаштирган ўта мураккаб ишлаб чиқариш саноати маҳсулоти — «Captiva» русумли замонавий автомобил совға қилди.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан барпо этилган «Бухоро маданий маркази» мажмуига келдилар. 107 гектарни эгаллаган мажмуа яшил майса билан қопланган. Ҳар тарафда киши кўзини турли ноёб дарахтлар, турфаранг гуллар қувонтиради. Мажмуа марказида Бухоронинг ўтмиши ва бугунидан сўзлайдиган, мамлакатимиз ва халқимизнинг фахри бўлган буюк алломалар ва ноёб тарихий ёдгорликлар номлари ва суратлар битилган муаззам «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи савлат тўкиб турибди.

Мажмуанинг бир томонидан амфитеатрга, иккинчи томонидан вилоят мусиқали драма театрига йўл солинган. Бу театрда Ўзбекистон-Туркманистон олий даражадаги учрашувларининг ажралмас бўлагига айланган дўстлик фестивали — икки мамлакат санъат усталарининг биргаликдаги концертига қизғин тайёргарлик кўрилди.

Театрда йиғилганлар икки мамлакат раҳбарларини гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди.

Ўзбекистон ва Туркманистон санъаткорлари юксак маҳорат билан икки халқнинг куй-қўшиқлари, рақсларини ижро этдилар. Концерт сўнггида «Ватан азиздир» қўшиғини икки мамлакат санъаткорлари биргаликда жўр бўлиб ижро этгани Ўзбекистон ва Туркманистон халқларининг маданий-маънавий муштараклигидан яна бир ёрқин далолат бўлди.

Шу билан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунига етди. Туркманистон раҳбари Ўзбекистонга ташрифи самарали бўлганини таъкидлаб, самимий қабул ва дўстона муносабат учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди ва давлатимиз раҳбарини ўзи учун қулай вақтда Туркманистонга ташриф буюришни таклиф этди.

Ушбу ташриф асносида эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар, Президентлар таъкидлаганидек, икки мамлакат равнақи ва халқларимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Бу келишувлар Ўзбекистон-Туркманистон ҳамкорлигини янада кенгайтириш имконини беради.

(ЎзА)

● 9 май – Хотира ва қадрлаш куни

ОБОД ЮРТ НУРОНИЙЛАРИ

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида байрам шукуҳи кезмоқда. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, нуроний отахон ва онахонлар билан учрашувлар, фахрийларни байрам билан табриклашга бағишланган тадбирлар давом этмоқда.

Андижон шаҳар ҳокимлигида ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Хотира ва қадрлаш куни муносабати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига пул мукофотлари ва байрам совғалари топширилди. Хаста ва ногиронларнинг уйларига бориб хабар олинди. Бундай хайрли тадбирларда «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, хотин-қизлар қўмиталари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Дори-дармон» компанияси вакиллари фаол иштирок этмоқда.

Тадбирда уруш фахрийлари кексаларга кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги ва эътибори учун халқимизга, Юртбошимизга миннатдорлик билдирдилар.

Суратда: Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Алижон ота Ражаповга байрам совғалари топширилмоқда.

Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎзА) олган сурат

«Устоз-шогирд» тизими амалда

Эътиборга молик масала

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раёсатининг 2010 йил 28 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Қурултойи натижаларига мувофиқ Федерация кенгаши ва аъзо ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича тадбирлар» ижросини таъминлаш, шунингдек, Федерация кенгашининг 2011 йил 28 январда ўтказилган II мажлисида долзарб масалалар қаторида кўрсатилган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасидаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан касаба уюшма ташкилотларида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан мамлакатимиздаги ўрта-махсус ўқув муассасаларида «Устоз-шогирд» тизимини жорий этиш борасида мониторинг олиб бориш йўлга қўйилган бўлиб, республика бўйича 1183 та касб-ҳунар коллежида ўқувчилар «Устоз-шогирд» тизими асосида 3485 та корхона ва ташкилотга бириктирилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар билан касаба уюшма ташкилотлари иштирокида ҳамкорлик шартномалари тузилган. Натижада, 363.023 нафар ўқувчи амалиётни бевосита йирик ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларида ўтказиш имкониятига эга бўлиб, 175.928 нафар битирувчининг бўлажак иш жойи ва устози белгиланган.

«Ўзкимёсаноат» компанияси билан ҳамкорликда республикамизда кимё саноати соҳаси учун кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган 26 та касб-ҳунар коллежи «Қўнғирот сода заводи» УК, «Навоийазот» ОАЖ, «Аммофос-Максам» ОАЖ, «Фарғона азот» ОАЖ каби 11 та йирик корхона ва ташкилотларга бириктирилиб, ҳамкорлик шартномалари тузилган.

(Давоми 2-бетда)

Яхшилар ёди

Давлат Бозоров «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитасига йигирма беш йилга яқин раислик қилди. Билимдон, юқори малакали мутахассис шунча вақт мобайнида кон ёки бўлимда бошлиқ бўлиб ишлаши мумкин. Чунки у бир марта тайинланади ва жиддий хатога йўл қўймаса, ишлаб юраверади. Лекин касаба уюшма қўмитасига чорак аср раҳбарлик қилиш — бу ҳазилакам иш эмас. Сабаби, энг оммавий жамоат ташкилоти етакчиси ҳисобот-сайлов йиғилишларида қайта сайланади, жамоадошлари назаридан ўтади. Давлат Бозоров эса файласуф В. Гюго таъбири билан айтганда, халқ учун меҳнат қилишни кечиктириб бўлмайдиган вазифа деб билди.

Туғма касабақўм

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакили Жумақул Қурбонов шундай хотирлайди:

— Касаба уюшмаларининг жамиятдаги ўрни ва вазифалари ҳақида гап кетганда турли жабҳаларда яратувчилик меҳнати билан машғул бўлган, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда катта обрў-эътибор орттирган етакчиларнинг хайрли ишлари кўз ўнгимдан ўтади.

Давлат Бозоров ана шундай фидойилардан эди. Чорак аср касаба уюшма қўмитаси раиси сифатида кўп минг сонли ишчи-хизматчиларнинг қувонч-ташвишлари билан яшади. Ишлаганда ҳам корхона ишчи-хизматчиларининг барчасини бир кўзда кўриб, уларнинг кўнглини топишга ҳаракат қилди.

Бағрикенг, инсонийлик ва ўзгалар қайғусига шерик бўлиш каби хислатларни ўзида сингдира олган одамгина касаба уюшма етакчиси бўлишга маънавий ҳаққи бор, деб ўйлайман. Бу хислатларнинг барчаси Давлат Бозоровда мужассам эди.

2002 йилнинг бошлари... Мен «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонасида кадрлар ва ижро назорати бўйича бош мутахассис, маънавият ва маърифат маркази раҳбари бўлиб ишлардим. Бир куни хонамга Давлат Бозоров кириб келди, одатдагидек ҳол-аҳвол сўрашдик. Кейин мақсадга кўчди:

— Жумақулжон, ҳаммасини обдон ўйладим. 17 ёшимда ишни бошлаганман. 43 йилки, шу корхонада ишлаб келяпман. Шундан йигирма беш йилини касаба уюшма қўмита раислигида ўтказдим. Биласиз, касаба уюшманинг иши ниҳоятда кўп қиррали. Шу даврда ўзимга юклатилган ишни чин дилдан бажаришга ҳаракат қилдим. Мана, ёшим ҳам бир жойга бориб қолди. Уйдагилар билан маслаҳатлашдим, энди касабақўмликни ҳам топширмоқчиман. Бундан кейинги умримни оиламга, бола-чақамга бағишласам, соғлигимни тикласам, дейман...

Давлат аканинг гапидан ниҳоятда ҳайрон қолдим. Бундай бўлиши умуман ҳеч кимнинг хаёлида ҳам йўқ эди. Чунки корхонанинг касаба уюшма қўмитаси иши нафақат вилоятда, балки республика тармоқ қўмитасида ҳам алоҳида эътиборга эга эди.

(Давоми 3-бетда)

Қарор ва ижро

«Менинг ҳам ўз уйим бор...»

Инсон қадри нақадар баланд. Мустақиллик йилларида бу, айниқса яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августдаги «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар-жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юртимизда бундай ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириб, уларни турар-жойлар билан таъминлаш тартибини такомиллаштиришга хизмат қилди.

Ушбу қарорда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан мақсадли коммунал уй-жой фондидаги уйлардан ёки вақтинча фойдаланилмаётган, давлат мулкида бўлган ётоқхоналар ҳамда кўп квартирали уйлардаги бўш турган хонадонлардан уларга турар-жойлар берилиши кўзда тутилган.

— Айни пайтда бу жараён мамлакатимиздаги ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларга берилаётган эътиборнинг юксак намунасидир, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича масъул котиб Мадамин Раҳимов. — Эндиликда Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда етим болалар учун турар-жойлар сотиб олиш учун мақсадли трансферантлар, шунингдек, бюджет трансферантлари бериш тартибини ишлаб чиқиши ҳам белгилаб қўйилди. Боқувчисини йўқотган, яшаш жойига эҳтиёжмандларнинг ёши 18 ёшдан 23 ёшгача этиб белгиланди.

(Давоми 4-бетда)

● *Сарҳисоб*

Маълумки, ходимлар учун меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларининг энг паст даражаси қонунлар билан белгилаб қўйилади. Қонунлардагига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари бошқа норматив ҳужжатлар, шу жумладан, шартнома йўсинидаги ҳужжатлар (жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, бошқа локал ҳужжатлар), шунингдек, ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномалари билан белгиланиши мумкин.

Жамоа шартномаси — корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатдир. Жамоа шартномалари ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мақсадида тузилади.

Хўш, айни пайтда жойларда иш берувчи ва касаба уюшма органлари ўртасида тузилаётган жамоа шартномаларининг ижроси қай аҳволда, уларнинг мазмуни, мавжуд қонун талабларига мувофиқлиги талаб даражасидами?

Бу ҳақда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон ИСАЕВ қуйидагиларни сўзлаб берди.

Муҳим аҳамиятли ҳужжат

— 2010 йилда касаба уюшма ташкилоти фаолият кўрсатаётган 110.060 та юридик шахснинг 99232 тасида жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, улар орқали 4.894.511 ишловчи манфаати қамраб олинди.

Айни пайтда касаба уюшма ташкилоти мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг 10.828 тасида, жумладан, давлат корхона (ташкилот)ларининг 803 та, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг 106 та, хусусий корхоналарнинг 8585 та, жамоа мулкига мансуб корхоналарининг 856 та, бошқа ташкилотларнинг 478 тасида жамоа шартномалари қабул қилинмади.

Жамоа шартномалари билан корхона, ташкилот ва муассасаларни тўла қамраб олиш борасида айниқса авиаходимлар, таълим ва фан, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмалари томонидан олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Мазкур йўналишда бир қатор бошқа тармоқ ва ҳудудлардаги касаба уюшма ташкилотлари ҳам муайян даражада ўсишга эришди.

Айрим тармоқ ва ҳудудларда юридик шахсларни жамоа шартномалари билан қамраш фоизи республика бўйича ўртача рақамдан (90,1 фоиз) паст даражада қолмоқда.

2010 йилда республика бўйича барча мулкчилик шаклларига мансуб корхона, ташкилот ва муассасаларда қабул қилинган жамоа шартномаларининг ҳар бирига ўртача 62 тадан тадбирлар киритилди. Жамоа шартномаларида қабул қилинган бандлар 92,6 фоизга бажарилишига эришилди.

Чунончи, меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар бўйича қабул қилинган бандлар республика бўйича 94,1 фоизга бажарилди. Қатор тармоқ ва ҳудудларда жамоа шартномаси иш ҳақи миқдорини оширишнинг энг самарали воситасига айланмоқда. Чунончи, авиация, алоқа, темир йўл транспорти, қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати, металлургия ва машинасозлик, агросаноат мажмуи, ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати корхоналарида ягона тариф сеткаси нуллик разряди ставкасини кўтариш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, айрим тармоқларда иш ҳақи тўловлари бўйича катта қарздорликка йўл қўйилмоқда. Нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, жамоа шартномаси билан белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш тадбирлари 93,9 фоизга бажарилди.

Ходимларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш, ишдан бўшатиш шартлари, иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнат таътилларининг муддатларига оид тадбирлар бажарилиши тегишли равишда 85,5 ва 94,1 фоизга таъминланди. Турли манбалар ҳисобидан республика бўйича 2010 йилда 155 мингдан зиёд ходим қайта ўқитилган ва малакасини оширган бўлса, шундан 124 мингтаси жамоа келишувлари ва шартномалари орқали иш берувчилар ҳисобидан амалга оширилди.

Ходимларнинг, шу жумладан аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат шароитлари ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш, экология жиҳатдан хавфсизликни таъминлаш бўйича муайян ишлар бажарилди.

Жамоа шартномаси бажарилишини текшириб бориш, тарафларнинг жавобгарлиги, ижтимоий шериклик, касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларида фаолият кўрсатиш учун тегишли шароитлар яратиб бериш 93,5 фоизга бажарилди.

Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун республика бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга йил давомида сарфлар акс эттирилиши шарт деб Меҳнат кодексида бевосита кўрсатилган моддалар талаблари ўз ифодасини топмаяпти.

Бу — иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга вақтинчалик ўтказиш, ўша давр учун тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори, иш вақтини жамлаб ҳисоблаб чиқиш тартиби, дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб қилиш асослари, қисман яроқсиз маҳсулот учун тўланадиган ҳақ миқдорига ва бошқа қатор ҳолатларга тааллуқли масалаларда кўзга ташланмоқда.

Жамоа шартномаларига томонларнинг мажбуриятларни сўзсиз бажаришлари учун масъулиятини оширадиган талаблар киритилмаяпти. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 88-сонли қарорида касаба уюшмаларига тавсия қилинган тадбирлар, яъни мажбуриятларни бажармаган айбдорларга нисбатан чора кўриш, иш берувчининг айби билан иш ҳақини кечиктиргани учун жавобгарлиги, шу жумладан, моддий жавобгарлиги масалаларига ҳам қатор жамоа шартномаларида изоҳ берилмаган.

Баъзида жамоа шартномаси ходимга имтиёзли шарт-шароит яратиш ўрнига, унинг аҳволини ҳатто меҳнат қонунлари ва бошқа норматив тусдаги ҳужжатларга нисбатан ёмонлаштирадиган, қонуний ҳуқуқларини чеклаб қўядиган ҳужжатга айланиб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда жамоа шартномаларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Модомики, шундай экан, уларни тузишда мавжуд меъёрларга риоя этиш шарт.

Ш.ЖАҲОНГИРОВ ёзиб олди

● *Юридик маслаҳат*

Ромитан туманида яшовчи Ботир Саидов отаси Мирзо Саидовни қасддан ўлдиргани учун суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилган. Ота вафотидан олдин у ўзига тегишли «Дамас» русумли автомашинасини ўғли Ботирга мерос қолдириб, васият қилган эди. Табиийки, Ботир қилган жинояти учун тегишли тартибда жазога тортилди.

Ворислик ҳуқуқи

Ботир Саидовнинг ўғли Салим Саидов отасининг ишончномаси асосида нотариусга ариза билан мурожаат қилиб, «Дамас» русумли автомашинани олиш учун «Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома» беришни сўраган. Нотариус Фуқаролик Кодексининг 1119-моддаси 1-қисмига биноан, аризани қаноатлантирмай, гувоҳнома беришни рад қилди. Шундан сўнг, Салим Саидов Фуқаролик ишлари бўйича Ромитан туманлараро судига даъво аризаси ёзиб, нотариуснинг қарорини бекор қилишни ва отаси Ботир Саидовнинг «Дамас» автомашинасига бўлган васиятнома бўйича ворислик ҳуқуқини тиклаб беришни сўради.

Суд ҳам ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантирмай, нотариуснинг қарорини тўғри деб топди. Чунки амалдаги ҳуқуқий талабларга кўра, Мирзо Саидовнинг қасддан ўлдирилганлигининг ўзи Б.Саидовни васият бўйича меросхўр бўлишидан четлаштириш учун асосдир...

Айтиш жоизки, ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 113-моддасига асосан, мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради.

Мерос қолдирувчига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий бойликлар меросхўрлар томонидан амалга оширилиши ҳамда ҳимоя қилиниши мумкин. Умумий биргаликдаги мулк иштирокчисининг ўлими умумий мол-мулкка бўлган ҳуқуқдаги унинг улушини аниқлаш ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 226-моддасида белгиланган тартибда умумий мол-мулкни тақсимлаш ёки ундан вафот этган иштирокчининг улушини ажратиш учун асос бўлади. Бу ҳолда мерос вафот этган иштирокчининг улушига тўғри келадиган умумий мол-мулкига нисбатан очилади.

Мерос қолдирувчини ёки эҳтимоли тутилган меросхўрлардан бирортасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Васият қилувчи ўз ҳаётига суиқасд қилинганидан кейин васиятнома берган шахслар бундан мустасно.

Нолойиқ меросхўрларни ворисликдан четлатиш учун асос бўладиган ҳолатлар мулкий оқибатларга дахлдор шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан белгиланади.

Манзура ҚУРБОНОВА,
Ромитан туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси.
Абдураҳмон ҚУРБОНОВ,
Когон туман давлат нотариал идораси нотариуси

Эътиборга молик масала

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ўзбектуризм» компанияси билан ҳамкорликда компания тасарруфидаги ташкилотларга 20 та касб-ҳунар коллежининг туризм йўналиши бўйича таълим олаётган 6596 нафар ўқувчилари бириктирилган.

Уларнинг 2014 нафари битирувчилар бўлиб, келгусида уларни ушбу корхоналарда иш билан таъминлаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши тизимида Алоқа касб-ҳунар коллежи ҳамда Ахборот-технологиялар коллежи мавжуд бўлиб, битирувчилар «Тошкент шаҳар телефон тармоғи», «Тошкент телефон тармоғи станцияси», «Тошкент почтамти», «Шаҳарлараро алоқа корхонаси»да «Устоз-шогирд» тизими асосида амалиёт ўташи режага киритилган. Эътиборли жиҳати, уларнинг асосий қисми мазкур корхоналарга ишга қабул қилинади ҳам.

Таъкидлаш жоизки, олиб борилаётган ижобий ишларга қарамай, мазкур йўналишда сусткашликка йўл қўяётган аъзо ташкилотлар ҳам йўқ эмас.

Хусусан, коллеж битирувчилари ва 2-3-курс ўқувчиларини «Устоз-шогирд» тизими бўйича корхона ва ташкилотларга бириктириш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилмаган, иш режаларига мазкур муаммоларни ҳал этиш юзасидан бандлар киритилмаган тармоқ ва ҳудудий касаба уюшма органлари мавжуд.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасидаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раёсати томонидан тегишли қарор қабул қилинди. Унда ушбу йўналишда қилиниши керак бўлган вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, Федерацияга аъзо ташкилотлар мазкур масала юзасидан қабул қилинадиган тадбирлар режасида бюджет ҳисобидаги ташкилот ва корхоналарда амалиёт ўташга бириктирилган коллеж битирувчилари учун касаба уюшма маблағидан бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш масаласига эътибор қаратишлари лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, коллежни имтиёзли диплом билан битириб, янги ишга жойлашган ходимлар учун ёрдам сифатида касаба уюшма маблағидан энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида бир марталик моддий ёрдам ажратилишини жорий этиш керак.

Амалиёт ўташ учун бириктирилган ўқувчиларни ҳамда янги ишга қабул қилинган коллеж битирувчиларини ташкилот ва корхоналарнинг меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқдан ўтказиш, махсус кийим-бош, пойабзал, якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Ишга қабул қилинган коллеж битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилишини, уларнинг жамоа шартномалари билан таништирилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Қарорда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларига, тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашларига жорий йилдан бошлаб жойларда қабул қилинаётган жамоа келишувлари ва шартномаларига «Устоз-шогирд» тизимининг самарали ишлашига қаратилган қуйидаги тадбирлар киритилишига эришиш топширилди:

Ёшлар билан ишлаш бўйича комплекс дастур ва уни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини корхонага жалб этиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда иш олиб бориш, ёш ходимлар, мутахассислар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш, амалиёт ўтаётган ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларига меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида қўшимча имтиёзлар бериш, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини тугатиб, корхонада биринчи йил меҳнат қилаётган ёш мутахассисларга бир марталик тўлов бериш ва қўшимча ҳақ ўрнатиш, сафарбарлик захирасидаги харбий хизматга чақирилган ходимларга пул маблағларини Молия вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига киритиш учун фоизсиз ссудалар бериш, ёш йигит-қизларни касаба уюшмалари фаолиятига жалб этиш ишларини олиб бориш, жамоат ишида фаоллик кўрсатганларни мунтазам равишда касаба уюшма қўмитаси томонидан тақдирлаш, ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга жалб қилинган юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассислар меҳнатига оширилган миқдорда ҳақ тўлаш кабилар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига аъзо ташкилотлар Ёшлар кенгашларига касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, коллеж раҳбарияти ва иш берувчи ташкилотлар ўртасида тузиладиган уч томонлама шартноманинг амалда қўлланилиши борасида касаба уюшма органларига кўмаклашиш вазифаси топширилди.

Ёшлар кенгашлари битирувчи ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, бу борада уларнинг ҳуқуқий онгини мустаҳкамлаш юзасидан молия, банк тизими, ҳуқуқий соҳа вакиллари билан учрашувлар, давра суҳбатлари ва семинарларни мунтазам равишда ташкил этишлари лозим.

Шунингдек, Ёшлар кенгашларига битирувчиларнинг олий таълимга эга бўлиш, илмий салоҳиятини юксалтириш бўйича мавжуд хоҳиш-истаклари асосида барча олий ўқув юртлари илмий жамоаларининг «Очиқ эшиклар кунлари»ни ташкил этиш каби тадбирларни амалга оширишда иш берувчи, таълим муассасаси раҳбарияти билан бирга бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг иштирокини таъминлаш вазифаси топширилди.

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,
«Ishonch» мухбири

Нурчилар шаҳри

Сирдарё вилоятидаги Ширин шаҳрини бежиз «Нурчилар шаҳри» деб аташмайди. Чунки бу ерда республикамиз иқтисодиётининг устунлари бўлган Сирдарё иссиқлик электростанцияси ҳамда «Фарҳод ГЭС» жойлашган.

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик концерни таркибидаги «Фарҳод ГЭС» унитар корхонасида ҳозирги кунда ҳар бирининг қуввати 126 мегаВатт бўлган 4 та генератор ёрдамида бебаҳо неъмат — электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда.

— Корхонада бугунги кунда 3 та сменада меҳнат қилаётган 140 нафар ишчи ва хизматчилар учун барча шароитлар яратилган. Тизимдаги соғломлаштириш масканларида — Фарғона вилоятидаги «Нурафшон» сиҳатгоҳида ишчилар, Зоминдаги болалар оромгоҳларида уларнинг фарзандлари ўз саломатликларини тиклашади, — дейди ГЭС касаба уюшма қўмитаси раиси Ольга Труженникова. — Шунингдек, спорт мусобақалари учун майдонлар ташкил этилган.

Суратда: бош муҳандис Ворис Абдуқаюмов ва ишлаб чиқариш технологияси бўлими мутахассиси Анвар Ўрозов.

Муҳаммад КАРИМ олган сурат

● *Муносиб иш ҳақи – энг яхши рағбат*

Бир йилда 1 050 000 тонна маҳсулот

2010 йил якунларига кўра, «Қувасойцемент» акционерлик жамиятида корхона тарихидаги энг кўп маҳсулот –1 050 000 тонна цемент ишлаб чиқаришга эришилди. Ишлаб чиқаришга замонавий технологияларнинг жалб қилиниши, илғор ходимларни рағбатлантириб бориш йўлга қўйилгани муваффақият учун замин яратди. Жамоа шартномаси бандларининг бажарилишида маъмуриятга касаба уюшма етакчилари яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Ўтган йили илғор ишчи-хизматчиларга совғалар улашиш, спорт жиҳозлари харид қилиш, мусобақа ғолиблари, фаол касаба уюшма аъзоларини тақдирлаш, кам таъминланган ходимларга моддий ёрдам бериш мақсадида касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан 20 756 000 сўм сарфланди.

Маъмурият билан келишилган ҳолда ишлаб чиқариш ногиронлари фарзандларининг мактабгача таълим муассасаларида бепул таълим олиши, оромгоҳга йўлланма берилиши, бундай ходимларнинг сиҳатгоҳларда даволанишлари йўлга қўйилган. Улар учун ўқув йили бошланиши олдидан корхонадаги энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида моддий ёрдам берилади.

2010 йил корхона тасарруфидаги «Роҳат» болалар оромгоҳи таъмирдан чиқарилиб, компютер хонаси, чўмилиш ҳавзаси, спорт майдончалари қайтадан жиҳозланди. Бу ерда ходимларнинг 830 нафар фарзанди дам олдирилди, болалар махсус кийим бош билан таъминланди. Мавсум якунида ҳар бир болага ўқув қуроллари олиб берилди.

Тўлиқ қайта таъмирдан чиқарилган «Роҳат» профилакторияси ишчи-хизматчиларнинг даволанишлари учун хизмат қилмоқда. Бу ерда, ўтган йил мобайнида 1081 нафар ишчи-ходим ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек, 207 нафар меҳнат фахрийлари соғломлаштирилди.

Акционерлик жамиятида нафақадаги ходимларни ижтимоий ҳимоялаш яхши йўлга қўйилган. Кам таъминланган 50 нафар фахрийга ҳар куни бепул тушлик, 24 нафарига корхона сиҳатгоҳида даволаниши учун имконият яратилган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, байналмилал жангчилар, Чернобил АЭСи ҳалокатини тугатишда қатнашган нафақадаги ходимларимиз учун моддий ёрдам пуллари берилиб Мустақиллик, Ҳайит, Наврўз байрамларида дастурхон ёзилмоқда.

Маъмурият томонидан берилаётган катта эътибор туфайли корхона спортчилари шаҳар, вилоят, республика миқёсида ташкил этилган спартакиадаларда фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Цехлардаги дам олиш хоналарига спорт анжомлари – теннис столлари, шахмат, шашка олиб берилган, шунингдек, волейбол майдончалари мавжуд.

Албатта, муносиб иш ҳақи энг яхши рағбат ҳисобланади. 2009 йил корхонада ўртача ойлик маош 395 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 500 минг сўмга етди. Жамоа шартномаси асосида ҳар бир ишчи-хизматчи учун сарфланган маблағ 3 122 548 сўмни ташкил этди. Акционерлик жамиятининг бу йилги дастурига кўра иш ҳақини янада ошириш назарда тутилган.

Ҳ. ҚОСИМОВ

Ishonch
2011-yil 7-may № 58 (2939)

Буюк қадриятлар намунаси

Президентимизнинг 1999 йил 12 майдаги Фармойишига биноан юртимизда 9 май «Хотира ва қадрлаш куни» деб эълон қилинди ва кенг нишонлана бошланди.

Мана, ўшандан буён қабристонлар обод, тириклар кўнгли, ўтганлар руҳи шод. Эсимда, ёшлик пайтларимизда ота-онам билан қабристонга тонг қоронғусида борардик. Тиканлар, ўт-ўланлар босиб ётар, бу ерда юришга қўрқардим.

Юртимизда иккинчи жаҳон урушида қатнашганлар, қатағон даврида омон қолган кишилар эл ҳурматидан баҳраманд. Уларнинг умри зиёда бўлсин! Мана бу йил ҳам Президентимиз фармонига кўра уруш қатнашчиларининг ҳар бирига 300 минг сўм мукофот пули бериш белгиланди.

Раҳматли дадам ҳам иккита уруш тўфонларини, суронли даврларни кўрган фидойилардан эди. Афсус, Мустақиллик даврини, мана шу дориламон кунлар у кишига насиб этмади. Дадам ҳамиша бизга бир гапни такрор айтарди: «Ҳали кўп яхши замонлар келади, биз кўрмасак, сиз кўрасиз, болаларим, фақат яхши ўқинглар, ўқиган хор бўлмайди, ҳеч нарсага зор бўлмайди». У саховатпеша инсон эди. 1966 йилларда ун, нон, баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги бўлди. Дадам ўша йиллари Москва, Ашхободга қатнаб, мол олиб келадиган ва уни дўконларга тарқатадиган савдо ходими эди. Машаққатли меҳнати эвазига унга бир қоп ун беришганда 9 нафар фарзанди бор бир устага бериб юборган, бизнинг тонг саҳарлаб дўкон олдида навбатда туришдан қутилдик, деб севинганимиз пучга чиққанди. Раҳматли уйда бирор тансиқ овқат қилинса, қўшниларни бошлаб келарди.

Отам дутор чалиб достон ҳам айтарди. Балки ёшлигимда эшитганим, «Гўрўғли», «Ойсултон» каби достонлар қалбимда ижод иштиёқини ёққан, шеъриятга ҳавас уйғотгандир.

Онажонимга келсак, у педагог бўлган. Иккинчи жаҳон уруши даврида, фронт орқасида кўп қийинчиликлар кўрган, ёшлигидан етим қолиб, 14 ёшидан кундузлари колхозда табелчилик қилиб, кечалари чала савод кишиларни ўқитган. Урушдан кейин ҳам ўқитувчилик қилиб, тил ва адабиётдан дарс берган. Дориламон кунларга шукрона қилар эканман, ўтганларимизнинг, ота-она ва яқинларимизнинг руҳлари шод бўлсин, дейман.

Зухрахон РЎЗМЕТОВА,
Хоразм вилояти

Туғма касабақўм

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Давлат ака, сиз узоқ йиллар ҳаёт қозонида қайнаб, ушбу соҳада катта тажриба орттиргансиз. Илғор иш усулларига эгасиз, қолаверса, ишчи-хизматчиларнинг қалбидан жой олгансиз. Нега бундай қарорга келдингиз?

Давлат ака майингина жилмайиб жавоб қайтарди:

— Ҳар нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси бўлади. Ишлаб туриб, чиройли нафақага чиқиб кетишнинг ўзи ҳам катта бахт, деб ўйлайман. Қолаверса, бошқалар ҳам ишласин-да. Мана, масалан сиз...

Мен нима дейишни билмай лол қолдим.

— Сизни 1972 йил — эндигина мактабни тугатиб, корхонага оператор бўлиб ишга кирганингиздан буён яхши биламан, — дея гапни узоқдан бошлади Давлат ака. Ўзингиздан қолар гап йўқ, касабақўм етакчиси чуқур мушоҳада қобилиятига, одамлар қалбига йўл топиш маҳорати, инсонлар дардини илғай олиш истеъдодига эга бўлиши керак. Мен корхона раҳбарига ҳам, вилоят ва республика тармоқ касаба уюшма раҳбариятига ҳам сизнинг номзодингизни тавсия қилдим. Ишонаманки, ишчи-хизматчиларимиз ҳам қўллаб-қувватлашади...

Орадан кўп ўтмай, корхонада касаба уюшмаси конференцияси бўлиб ўтди. Мен касаба уюшма қўмитаси раислигига, Давлат ака, менинг илтимосимга кўра, ўринбосарликка сайланди. Афсус, узоқ бирга ишламадик. Устоз юрак хасталиги билан шифохонага тушиб қолди. Тузалиб чиққанидан сўнг шифокорлар ишлашни қатъиян ман этишди.

Давлат Бозоров шундай оғир хасталикдан кейин ҳам ўн йилга яқин яшади. Бу орада у кишининг турмуш ўртоғи ҳам оламдан ўтди. Лекин устоз иродаси кучли инсон эди. Унинг иродаси, бардош ва матонатига қойил қолиш керак. Қолаверса, ишчи-ходимларга қилган яхшиликлари у кишини асраб келди...

— Давлат Бозоров билан қарийб қирқ йил ёнма-ён, бирга ишладим, — дея хотирлайди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими, меҳнат фахрийси Ризо Назаров. — У киши ходимларнинг ҳақиқий суянчиғи, маслаҳатгўйи, керак бўлса, отасидек яқин кишиси эди. Олдига қандай масала билан кирмайлик, албатта, ечимини топиш учун чин юракдан ҳаракат қиларди. Марказий кенгаш қошидаги «Касаба уюшмалари ҳаракати олий мактаби»да таҳсил олган Бозоров йиллар мобайнида ҳақиқий касаба уюшма етакчисига айланди. Корхонада қайси раҳбар билан ишламасин, ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида ходимнинг манфаатларини ҳимоя қилди. Масалан, бирор ходим у кишининг олдига моддий ёрдам сўраб кирди, дейлик. Давлат Бозоров аввал шу ходимнинг оилавий аҳволини ўрганиб чиқиб, зарур бўлса, энг кам иш ҳақининг икки-уч эмас, тўрт-беш баравари миқдорида моддий ёрдам ажратишга кўмаклашарди. Унинг шиори — инсонларга яхшилик қилиш, саховат кўрсатиш эди. Айниқса, ишчиларнинг овқатланиши ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилишига катта эътибор қаратарди. Йилнинг ҳар фаслига мослаб, махсус иш кийимларини йўлга қўйдики, бу иши учун унга фақат тасаннолар айтиш мумкин. Берилаётган сут маҳсулотлари, овқатнинг калорияси, сифатига эътироз қолмасди. Қабулхонаси ҳамиша очиқ бўларди. Унинг бевосита ташаббуси билан яхши ишлаган ходимларга пул мукофотлари бериларди.

— Давлат Бозоровни ҳам инсон, ҳам мутахассис, ҳам касаба уюшма қўмитаси раиси сифатида барчага намуна қилиб кўрсатиш мумкин, — деб хотирлайди «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Шароф Раҳматов. — Гўё касабақўм бўлиш учун туғилгандек. Катта-ю кичикка бирдек мурожаат қиларди. Касаба уюшма қўмитасининг кенг қамровли, кўп йўналишли ишларини бекаму-кўст адо этган, бир ариза билан ишга кириб, бир ариза билан ишдан кетган, яъни, касбига, жамоасига садоқат билан меҳнат қилган Давлат аканинг ҳаёт йўли биз учун катта мактаб вазифасини ўтайди.

— Давлат Бозоров камтарин, камсуқум инсон, очиққўнгил, ширинсўз, ҳақиқий касабақўм раиси эди, — мамнуният билан таъкидлайди «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси бошлиғи Шермат Шамсиев. — Оддий ишчига ҳам, мансабдорга ҳам бир хил, самимий муомала қиларди. Мен у кишини йигирма уч-йигирма тўрт йилдан бери, институтни битириб, корхонага ишга келганимдан бери яхши биламан. У кишининг жамоамиз учун хизматлари катта бўлганини ҳар биримиз эътироф этамиз. Саккиз нафар фарзанди — уч ўғил, беш қизи отаси каби эл-юртга сидқидилдан хизмат қилмоқда.

— Давлат Раҳмонович бир умр бирга ишладик, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими Иван Келеш. — Мен корхонага раҳбарлик қилган даврда Бозоров касаба уюшма қўмитаси раиси бўлиб ишлади. Ишчи-хизматчиларнинг баракали ишлаб, кўнгилли дам олишлари учун шарт-шароитларни яхшилаш, ходимларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини баҳамжиҳат ҳал этардик. Доимо бир-биримизни тушуниб, ортиқча муаммоларсиз фаолият олиб борганмиз. Турли байрамлар, тантанали саналарни нишонлаш олдидан ҳамиша у ҳузуримга келиб, таклифларини айтар ва албатта, мен унга маъмурият томонидан етарлича ёрдам, шароит яратиб беришга интилардим. Давлат Раҳмонович жамоанинг ҳар бир аъзосини яхши билар, меҳнат фахрийлари, нафақада юрганларни ҳам эсидан чиқармасди. У туғма касабақўм эди...

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ташаббускор эди

Уруш ва меҳнат фахрийси Жалолиддин Турдиев фидойи инсонлардан эди. У қарийб эллик беш йил биология фанидан дарс берди, директор бўлиб педагогик жамоаларни бошқарди.

Унинг бевосита саъй-ҳаракати ва фаоллиги билан Хартум қишлоғига автобус йўналиши йўлга қўйилди. Йўллар асфалтланди, қишлоққа газ келди, 2-умумтаълим мактабига янги замонавий бино қурилди.

Андижон туманидаги 2-умумтаълим мактабида Жалолиддин Турдиев ҳаёт йўлига бағишлаб Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши ташаббуси билан хотира кечаси ва спорт турнири ўтказилди.

Мазкур учрашувда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, Жалолиддин Турдиевнинг яқинлари ва ҳамкасблари иштирок этиб, унинг эзгу ишларини ёдга олишди.

Хотира турнирида эса Андижон туманидаги умумтаълим ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ўқувчилар ижодиёти маркази ҳамда «Хартум» қишлоқ врачлик пункти жамоалари иштирок этди. Мусобақа ғолибларига Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши, туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими, «Ёшлик» спорт жамияти ҳамда Жалолиддин Турдиев оиласининг эсдалик совғалари топширилди.

Ҳ. МАТИСАЕВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари

Суратда: Нукуслик иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Тилеунияз Мамбетниязов турмуш ўртоғи Дарибике Мамбетниязова ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари билан.

Арслон ҚАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат

Ифтихор туйғуси

Хива номи, айниқса, қадим ўтмиш билан боғлиқ достонларда кўп тилга олинган Соёт қишлоғининг Заргарлар маҳалласи мен учун жуда азиз. Қишлоқ аҳли нафақат меҳнаткаш, меҳр-оқибатли ҳам. Бу ерда яшаб ўтган ҳар бир инсоннинг номи авлодлар қалбида ҳамиша тирик. Шулардан бири менинг бобом Собиржон Қиличевдир.

Мактабимизда унга бағишлаб «Хотира кечаси» ўтказилишини эшитиб, ўзимда йўқ қувондим. Қалбимдаги ғурур ва ифтихор туйғуси янада ошди. Жуда катта интиқиш билан ташкилий қўмитага маълумотлар топиб беришга ҳаракат қилдим. Бу унча қийин эмас, чунки уйимизда, аммаларим, амакиларимда бобомнинг шахсий ҳужжатлари, расмлари, олган ёрлиқ ва орденлари эҳтиётлик билан сақланган.

У 1958 йилдан 1988 йилгача Хива туманида жамоа хўжалиги раиси вазифасида ишлаган. 1965 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тугатган. Заҳматли ва ҳалол меҳнати туфайли обрў-эътибор қозонган. Бобомни қишлоқ аҳли қўлидан келганча одамларга яхшилик улашиб, ёшларга эътиборли бўлган одам эди, деб эслашади. Шундай одамнинг авлоди эканимдан хурсанд бўламан ва зиммамда катта масъулият борлигини, аждодларимга муносиб фарзанд бўлишим кераклигини янада чуқурроқ ҳис этаман.

Ирода СОБИРОВА,
Хива туманидаги 17-сонли умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси

Жангчи тилаги



Жорий йилнинг 22 апрелида Президентимизнинг иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида фармони эълон қилинди. Унда уруш қатнашчилари ва ногиронларига 300 минг сўм миқдорида мукофот пули бериш баробарида улар иштирокида махсус учрашув ва маърифий-бадиий кечалар ўтказиш ҳам кўрсатилган.

Уруш ва меҳнат фахрийлари орасида Жиззахлик қаҳрамон Бегимқул бобо Ёмонқулов ҳам бор. Тўқсон ёшни қоралаб қолган бўлса-да, бобо ҳануз тиниб-тинчимайди. Ўқувчи-ёшлар ўртасида бўлганида улардан йўл-йўриқ ва маслаҳатларини аямайди. Яқинда Ғаллаорол туманидаги 74-умумтаълим мактаби ўқувчилари бобони яна бир тадбирда иштирок этишга таклиф қилишди. Учрашувда ўғил ва қизлар ундан уруш йилларидаги ҳаёти ҳақида сўзлаб беришини илтимос қилишди. Отахон суронли йиллардан ҳикоя қилиб берди...

— Бизнинг бошимизга тушган кўргиликларни сизлар кўрманглар, — дея тилак билдирди отахон. — Бахт-саодатли бўлинглар.

Б.Ёмонқулов урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида Ғаллаорол туманининг Даврон Йўлдошев номли жамоа хўжалигида боғбон ва мироб бўлиб сидқидилдан меҳнат қилди. Айни кунларда табаррук отахоннинг уч нафар ўғил-қизи ва ўн беш нафар невараси бор. Улар оғушида кексалик гаштини суряпти.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

Мардларнинг зўри

Тоғайтемир қишлоғидаги мактаб ҳовлисида рўй берган ҳаяжонли бир воқеани орадан 36 йил ўтса-да, ҳамон унутолмайман. 1975 йил май ойида ўқитувчилар ва қишлоқ аҳолиси ташаббуси билан мард ўғлонларнинг порлоқ хотирасига атаб қад ростлаган ёдгорлик мажмуининг очилиши маросими давом этаётганди ўшанда.

Қадди букилган онахон ёдгорлик томон аста-секин кела бошлади. Юз-кўзларида чуқур изтироб зоҳир эди. Ниҳоят у тўхтаб, жангчилар номлари битилган мармар лавҳага тикилиб қолди. Сўнг лавҳадаги ёзувларни бармоқлари билан оҳиста силади. Шу аснода елкалари силкиниб кетди. Ҳа, муштипар она йиғларди. Ватан озодлиги учун жонини фидо қилган 53 нафар ҳамқишлоқлари ва ўғли Эшмаматнинг порлоқ хотираси олдида бош эгиб йиғларди...

Ёдгорлик қаршисида кўзларида жиққа ёш билан турган Собир момо бир ўғил ва беш қизни тарбиялаб вояга етказганди. Ўғли Эшмамат эндигина уйланганда машъум уруш бошланиб қолди. У ҳам кўплаб тенгқурлари қатори номини мангуликка битиб кетди. Боёқиш момо эса умрининг охиригача ўғлининг ҳалок бўлганлигига сира ишонолмади, жондан ортиқ кўрган жигарбандини кутиб яшади.

***

Аммо жангдан омон қайтган тоғайтемирликлар талайгина. Ана шундай матонатли жангчиларнинг бири — Абдураҳмон Тўлбоевдир. У Украинадан Берлингача бўлган машаққатли ва жанговар йўлни босиб ўтган. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Абдураҳмон Тўлбоев билан бот-бот мулоқотда бўлганман. Урушдан сўнг Тўлбоев собиқ Тоғайтемир (ҳозирги Қўрғонтош) қишлоқ фуқаролар йиғинида котиб, ўқитувчи, ферма ҳисобчиси, бригадир вазифаларида ҳалол ишлади, элнинг ҳурматини қозонди. Афсуски, қирғинбарот иккинчи жаҳон уруши етказган жароҳат битмади. Абдураҳмон Тўлбоевни 15 йил тўшакка михлаб қўйди.

Шуларни хаёлдан ўтказар эканман, ўтганлар руҳини шод этмоқ биз тириклар учун ҳам қарз, ҳам фарз, дегим келади.

Парда ҲАКИМОВ,
Деҳқонобод тумани



«Асака» банк:

юқори сифатли хизмат

Банклар ишини янада такомиллаштириш, молия муассасаларини ишлаб чиқариш тармоғини қўллаб-қувватлашга жалб этиш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, унинг мамлакат пул-кредит сиёсатидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар бундай вазиятда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Соҳага кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли аҳолининг банкларга бўлган ишончи мустаҳкамланиб бормоқда. Аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш имкониятлари очиб бериляпти. Фаолиятини кучайтириш, инвестициявий имкониятларини янада кенгайтириш, ресурс базаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган банк-молия хизматлари сифатини ошириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган амалий ишлар ўз самараларини бермоқда.

«Асака» Давлат-акциядорлик тижорат банки Олтиариқ филиали мижозларга барча турдаги банк хизматларини, жумладан, ҳисоб-касса хизматлари, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш, лизинг амалиётлари каби хизматларни кўрсатиб келмоқда. Аҳолидан ва юридик шахслардан жалб этилган маблағларни иқтисодиётнинг реал секторига самарали равишда йўналтириб, бу маблағларни омонатчилар, мижозлар ва акциядорларнинг манфаатларига мос равишда кўпайтириб бормоқда. Бунда «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун», деган тамойил дастуруламал бўлмоқда.

«Асака» банк Олтиариқ филиали томонидан 2011 йил биринчи чорагида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий барқарорлигини кенгайтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 1,5 млрд. сўм миқдорида қисқа ва узоқ муддатли кредитлар берилди. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» муносабати билан жорий йилда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг салоҳиятли лойиҳаларини молиялаштириш, айланма маблағларни тўлдириш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олиш, паррандачилик, хизмат кўрсатиш, сервис ва бошқа соҳаларни ривожлантириш мақсадида 4 млрд. сўмга яқин кредит маблағлари ажратиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида микрокредитлар, ипотека кредитлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган уй жиҳозлари, юмшоқ мебеллар, компьютер, радио ва телеаппаратуралар сотиб олишга 3 йилгача бўлган муддатга, ёш оилалар учун имтиёзли фоизларда, 6 ойлик имтиёзли давр билан истеъмол кредитлари берилмоқда. Ҳозирги кунда 876 млн. сўм миқдорида ипотека кредитлари ва 381 млн. сўм миқдорида истеъмол кредитлари ажратилди.

Мамлакатимиз тўлов тизимини ривожланишида банк пластик карточкалари аҳамияти жуда муҳимдир. Чунки пластик карточкалар биринчидан, аҳолига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, стипендия ва пенсия тўловларини ўз вақтида тўлаш имкониятини берса, иккинчидан, аҳоли томонидан коммунал тўловлар бўйича қарздорликларни ўз вақтида тўлаш, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатувчи корхоналарда харид қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича тўловларни ўз вақтида ва тезкор амалга ошириш имкониятини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида мазкур банк томонидан ҳозирги кунда 11320 нафар жисмоний шахсларга сўм пластик карточкалари орқали хизмат кўрсатиб келинмоқда. Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича банк филиали томонидан Олтиариқ тумани ҳудудидаги чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обеъктларига 155 дона тўлов терминаллари ўрнатилган бўлиб, яна қўшимча терминаллар ўрнатиш режалаштирилган. Бундан ташқари, банк мижозларига янада қулайликлар яратиш мақсадида Олтиариқ туман марказидан узоқ ҳудудларга пластик карточкаларга пул маблағларини юклаш учун 9 дона терминал ўрнатилди. Корхона ва ташкилотларда «иш ҳақи» лойиҳалари жорий этилиб, уларнинг сони 144 тага етказилди.

Пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ҳам кенгаймоқда. 2011 йил биринчи чорагида савдо айланмалари миқдори 2,3 млрд. сўмни ташкил қилди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,1 млрд. сўмга ўсди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг ғоят муҳим манбаи сифатида аҳолининг эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида банк томонидан 90 турдаги миллий ва хорижий валютадаги омонатлар жорий килинди. Бу омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Ушбу омонатларга қўйилган маблағлар белгиланган муддатда омонатчиларнинг биринчи талаблари билан нақд пулда таъминлаб берилмоқда. 2011 йил биринчи чорагида 6 та янги омонат тури очилди. Шу даврда аҳолининг 700 млн. сўм миқдоридаги бўш пул маблағлари омонатларга жалб қилинди ва омонатлар қолдиғи 1,8 млрд. сўмга етказилди.

Барча тоифадаги мижозларга, жисмоний ва юридик шахсларга, аҳолига ҳар томонлама қулайликлар яратиш, ишончли хизмат кўрсатиш банк филиалининг муҳим устувор вазифаларидан саналади. Банк жамоаси буни яхши англаган ҳолда фаолиятларини йўлга қўйганлар. Шунинг учун ўзларининг истиқболдаги тараққиётини белгилаб олишда масаланинг ана шу томонини назардан қочирмасликка интилаётганларини кўриш мумкин. Натижада фаолиятларининг барқарорлашувига, молиявий самарадорликка эришилмоқда.

О. ИНОЯТОВ,
«Асака» банк (ОАЖ) Олтиариқ филиали бошқарувчиси

Веломарафон



Яқинда Фарғона вилоятида касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, «Нуроний» жамғармасининг вилоят кенгаши ва «Ватанпарвар» ташкилоти ташаббуси билан Қўштепа тумани меҳнат фахрийлари ҳамда касаба уюшмалари Жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгашининг болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийлари ва спортчилари иштирокида Мустақилликнинг 20 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган веломарафон бўлиб ўтди.

Марокли учрашувлар

Велопойга ташкилотчилари Фарғона вилоятида юз берган улкан ижобий ўзгаришлар билан танишиш, эришган ютуқларимизни яна бир карра намойиш этиш, коллежлар ва мактабларда ёшлар билан учрашувлар ўтказиш, велоспортни тарғиб қилишни режалаштирган эдилар. Шунга кўра, Олтиариқ туманида меҳнат фахрийлари билан қизиқарли учрашув ташкил этилди. Велопойгачилар 2000 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўраётган Қўқон шаҳрида кетаётган катта таъмир ва бунёдкорлик ишлари билан танишдилар. Риштон, Боғдод, Учкўприк, Бувайда туманларида рўй берган мислсиз ижобий ўзгаришлар гувоҳи бўлдилар. Бувайда туманида соҳибкор деҳқонлару тажрибали чорвадорлар билан учрашдилар.

Шаҳар ва туманларда велопойга иштирокчилари катта тантана билан кутиб олинди. Риштон тумани марказидаги Бурҳониддин Марғиноний зиёратгоҳига ташриф, шаҳардаги қадимий кулолчилик сулолалари вакиллари билан учрашувлар иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

— Велоспорт жону дилим, — дейди нафақадаги ишчи Мусожон Умаров. — Ташкил этилган веломарафон жараёнида гўзал диёримизнинг янада кўркамлашгани, истиқлол нафридан тўйиб сув ичаётган Ватанимиз шаҳру қишлоқлари бениҳоя кўрк очгани, одамларимиз руҳиятида келажакка ишонч, бугундан эса кўнглитўқлик мавжудлиги баҳри дилимни мунаввар этди.

Велопойга Фарғона шаҳрида якунланди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Спартакиада

Китоб туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари ўртасида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» муносабати билан спартакиада ўтказилди.

Тани соғлик — туман бойлик

Спортнинг енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, шашка турлари бўйича ҳар бир иштирокчи ўз жамоаси шарафи учун астойдил беллашди. Эркаклар ўртасидаги футбол, хотин-қизлар ўртасидаги волейбол мусобақалари ҳам қизғин кечди. Умумжамоа ҳисобида марказий шифохона ходимлари биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин туғруқхона, учинчи ўрин эса болалар шифохонаси ходимларига насиб этди.

— Ишчи-ходимлар саломатлигини ҳимоялашда бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Аҳмад Абдусамадов. — Иштирокчиларнинг алоҳида тайёргарлик кўргани, иштиёқ ва уюшқоқлик билан қатнашганидан ҳам сезилиб турди. Энг муҳими, бу тиббиёт ходимлари томонидан аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишнинг амалдаги ифодаси бўлди.

Тадбир якунида ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Зебинисо ЖЎРАЕВА,
Китоб тумани

«Менинг ҳам ўз уйим бор...»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айтиш мумкинки, «Сен ёлғиз эмассан» Республика болаларнинг ижтимоий мослашув маркази, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари, шунингдек, БМТнинг бир нечта жамғармалари билан ҳамкорликда ўтказиладиган халқаро конференцияларда қатнашиб, мазкур мавзу юзасидан таклифларимизни мунтазам билдириб келганимиз бугун ўз самарасини бермоқда. 2010 йилгача Тошкент шаҳар ҳокимлиги қарорига мувофиқ, 286 нафар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари қамраб олинган бўлса, ҳозирги кунда ҳеч кими йўқ 211 нафар ёшлар ана шундай уй-жойлар билан таъминланди.

— 16 ёшда Меҳрибонлик уйини тарк этаётган ўсмирнинг хоҳиш-истагига қараб, коллеж ва лицейларга жалб этилади, — дейди 22-Меҳрибонлик уйининг ижтимоий масалалар бўйича директор ўринбосари Умида Маманова. — Ҳозир бизда 115 нафар бола тарбияланаётган бўлса, шундан 40 нафари битирувчилардир. Битирувчиларнинг имкониятларини ўрганиб чиққанимизда, улардан 10 нафари турар-жойга эҳтиёжманд эканлиги аниқланди. Айни пайтда бу масала юзасидан Чилонзор тумани ва шаҳар ҳокимлигига уларнинг рўйхати билан мурожаат қилдик. 2010 йилгача муассасамизда тарбияланган 50 нафарга яқин бола яшаш учун уй билан таъминланди. Қувонарлиси, битирувчиларимиз ичида ҳаётда муносиб йўл танлаган, оила қуриб бахтини топган йигит-қизларимиз талайгина. Ўтган йилнинг ўзида 4 нафар битирувчимиз ўқишга кирди.

— Менинг бахтим шундай меҳрибон кишилар қўлида тарбияланганимдир, — дейди Муҳаббат Анжиманбетова. — 2010 йил биз ака-укалар учун жуда қувончли йил бўлди. Боиси, шу йили Олмазор тумани Қорақамиш даҳаси 1/3 мавзеидан тўрт хонали квартирани акам, мен ва икки синглимга яшаш учун беришди. Ҳозирда акам ишлайди, сингилларим ўқийди, мен уй ишлари билан бандман. Энди ўз оилам, ўз уйим бор. Бунинг учун шундай имкониятларни яратиб берган давлатимизга ва ташкилотчиларга миннатдорлик билдираман.

Дарҳақиқат, Муҳаббат ва унинг яқинлари сингари бахтиёр ёшлар орамизда кўп. Улар эндиликда мустақил ҳаёт йўлларини давом эттиришмоқда. Бунга сабаб Ватанимизда камол топаётган ҳар бир ўғил-қиз учун барча шароитларни, имкониятларни яратиб беришга ҳуқуқий асос етарли эканлигидир.

Наргиза АСАДОВА

Урганч туманининг «Олтинкўл» маҳалласида яшовчи Севинчой Солаева қўли гул тикувчи, моҳир зардўз сифатида танилган.

Моҳир зардўз

Урганч давлат университетида амалий санъат йўналиши бўйича таҳсил олаётган С. Солаева болаликдан онасидан чеварлик касбини қунт билан ўрганди. Каштачилик ва зардўзлик сирларини пухта эгаллади.

Истеъдодли қиз «Ташаббус-2007» республика кўрик-танловида «Энг ёш ҳунарманд» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Суратда: Севинчой Солаева дугонаси Гулноза Иброҳимова билан.

Шавкат ХУДОЙБЕРГАНОВ (ЎзА) олган сурат

«Тадбиркорлар ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш, уларнинг эркин фаолият кўрсатиши, ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 март кунги «Адлия органларида махсус 008 «Ишонч телефони» ташкил этиш тўғрисида»ги 80-сонли қарори қабул қилинди.

Адлия органларининг «Ишонч телефони»га мурожаатлар бутун Ўзбекистон ҳудудида 008 телефон рақамига қўнғироқ қилиш йўли билан амалга оширилади. Қўнғироқ бепулдир.

Адлия органларининг «Ишонч телефони» орқали тушаётган мурожаатлар душанба кунидан жума кунигача (жума куни ҳам) соат 09:00 дан 13:00 гача ва 14:00 дан 18:00 гача адлия органларининг масъул ходимлари томонидан қабул қилинади.

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрел кунги «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4296-сонли Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармон билан янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишлардан ўтказилмаслиги;

2011 йил 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш субъектларининг барқарор ўсиши ва рентабеллиги таъминланаётган кичик бизнес субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш таъқиқланганлиги;

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календар кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмаслиги белгиланди».

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши жамоаси Республика Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Қутлимурод Собировга акаси **Хаджибой СОБИРОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қўмиталари ва девони касаба уюшма қўмитаси раиси Одилжон Ашировга онаси **Дилором АШИРОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Muassis:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay’ati:
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o‘rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog‘indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To‘lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas’ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e’lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 27;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg‘ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko‘chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

Nashr ko‘rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir: A. Qodirova
Navbatchi: A. Arslonov
Musahhih: N. Maxamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko‘chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

ISSN 2010-5002

Bosishga topshiriш vaqti - 21.00
Topshirildi - 03.10
ЎзА яқуни - 02.30

Буюртма Г — 551

20225 nusxada bosildi

2345